Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 30 (12.843)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги Қарори асосида Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

САРА ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси И.Мирзаалиев, «Нуроний» жамғармаси республика бошқаруви раиси Э.Боқибоев ва бошқалар Юртбошимиз раҳнамолигида миллий армиямизни шакллантириш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида ҳар томонлама пухта ташкил этилган, тезкор, ҳаракатчан, замонавий қуроллар ва техника билан таъминланган Қуролли Кучлар барпо этилганини таъкидлади.

Муддатли ҳарбий хизматга йўл олаётган ёш йигитларга мудофаа ишлари бошқармаси, жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар оқ йўл тилади.

– Ҳарбий соҳага қаратилаётган улкан эътибор туфайли кейинги йилларда армияга чақирилаётган йигитларни кузатиш маросимларини тантанали ўтказиш яхши анъанага айланди, – дейди Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, подполковник Эргашали Тошгемиров. – Бундай маросимларни мазмунли, бир умр эсда қоладиган қилиб ўтказиш учун мудофаа ишлари бошқармаси, туман мудофаа ишлари бўлимлари чақирув ва йиғин пунктларида зарур шароит ва қулайликлар яратилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, армияда хизмат қилиш ёш авлодимиз учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлиб, унинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Бундай хизматнинг жозибадорлиги фақат яратиб берилаётган имтиёзлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан юқори даражада таъминлангани билангина боғлиқ эмас, албатта. Бу, аввалambor, армия ёш авлодимиз учун ҳақиқатан ҳам мардлик ва мустаҳкам иродани, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанимизга севги ва садоқат ҳисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактабига айлангани билан изоҳланади.

– Саккиз ёшимдан бокс билан шуғулланаман, – дейди Юнусобод тумани Отчопар маҳалласидан муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетаётган Абдулла Шарипов. – Мамлакат чемпионати ва халқаро турнирлар совриндори бўлганман. Тошкент радиотехника коллежини муваффақиятли тамомладим. Мақсадим, йигитлик бурчимни аъло даражада ўтаб, ота-онам бағрига ёруғ юз билан қайтиш.

З.ЖОНИБЕКОВ,
ЎзА мухбири

Сайлов – 2015

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вакиллари Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари – съезд ёки қурултойи томонидан амалга оширилади.

Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган ҳужжатлар сиёсий партия раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига аризаси, сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларидан иборат.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатган номзодларини қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзоларини тўплаш жараёнини якунлади.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Айни пайтда Марказий сайлов комиссиясида имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гуруҳлари фаолият юритмоқда. Уларнинг таркибига Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ички ишлар, адлия органлари ва бошқа муассасаларнинг мутахассислари киритилган.

(ЎзА)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида округ ҳудудидаги сайлов участкаларида коммунал хизмат кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тегишли идоралар раҳбарлари ахбороти тингланди.**

● **Қашқадарё вилояти Қамаши туманининг Қизилтепа қишлоғида янги маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. Маълумотларга қараганда, вилоятда тегишли дастур бўйича бу йил 28 маданият ва аҳоли дам олиш маркази ташкил этилади. 2018 йилгача етмиш тўртта шундай объект бунёд этилади.**

● **Нукусда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, соҳада юқори малакали мутахассислар тайёрлаш самарадорлигини оширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

● **Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пункти одатдагидан гавжум. Бу ерда муддатли ҳарбий хизматга отланаётган ёшларнинг дастлабки гуруҳини қатор ташкилотлар вакиллари ва ота-оналар иштирокида тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.**

● **Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш ҳамда агрофирмалар ташкил этиш бўйича амалий семинар ўтказилди.**

ЖАҲОНДА

● **Уругвайда балиқчилар оғирлиги 123 кг. келадиган ва узунлиги 1,5 метрни ташкил қиладиган катта скат балиғини тутиб олишди ва ўзига хос рекорд қайд этилди. Бу балиқ тўрга соҳилдан тахминан бир километр узоқликда илинган ҳамда уни қайиққа чиқариб олиш учун учта балиқчининг кучи керак бўлган.**

● **Япониялик мутахассислар ходимлари фақат роботлардан иборат бўлган меҳмонхона лойиҳасини тақдим этди. Ушбу лойиҳа "Hen-na Hotel" – "Ғалати меҳмонхона" дея номланди. Унинг қабулхонасида меҳмонларни уч нафар одамсимон роботлар кутиб олади. Улар меҳмонларнинг жойлашиши ва чиқиб кетишини расмийлаштиради. Энг муҳими, роботлар меҳмонлар билан бемалол суҳбат қура олади.**

Танлов

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ФАОЛ БАНКЛАРИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Банклар ассоциацияси ҳамкорлигида аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича тижорат банклари ўртасида ўтказилган танловнинг 2014 йилдаги ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Танловда 26 тижорат банки, қарийб 850 филиал, 4 минг икки юздан зиёд мини-банк ва махсус кассалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Ф.Умаров, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси раиси С.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида тизимда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади. Буни аҳолининг омонатга қўйилган маблағлари барча турдаги солиқлардан озод қилингани, уларнинг манбалари декларация қилинмаслиги ҳамда омонатларнинг қайтарилиши давлат томонидан кафолатлангани билан боғлиқ имтиёзлар туфайли банклардаги депозитлар ҳажми ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 31 октябрдаги «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги Қарори молия муассасаларини янада ривожлантириш, аҳолининг бўш пул маблағларини депозитларга жалб этишда банклар учун кучли рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз тижорат банклари миллий ва чет эл валютасида чекланмаган миқдорда икки юз элликдан ортиқ омонат турини таклиф этмоқда. 2014 йилда тижорат банкларидаги аҳоли омонатлари 2013 йилдагига нисбатан 30,8 фоиз ошди. Барча тижорат банкларида нақд ва нақдсиз шаклдаги маблағларни 1, 3, 6 ва 12 ой ҳамда ундан узоқ муддатга қўйиш мумкин. Омонат турларида бошланғич бадал миқдори чекланмайди. Айримларини қўшимча маблағлар билан кўпайтириш имконияти мавжуд.

Банкка қўйилган омонатларнинг сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланишидан ташқари уларни ҳимоялаш ҳам доимий эътиборда. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонуни аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, яъни уларнинг банкларга бўлган қонуний талаб ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тижорат банкларига бўлган ишончни оширишга хизмат қилаётир.

(Давоми 2-бетда)

Алишер Навоий адабий мероси бебаҳо маънавий хазина, битмас-туганмас бойликдир. Шу боис улар замон ва макон чегарасини билмай, мана, беш ярим аср ўтса ҳамки яшаб келмоқда.

Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллиги

САОДАТГА ЭЛТУВЧИ МЕРОС

Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга, аввало, Навоий асари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп бахраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни қарор топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

"Туркистон" саройида Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллигига бағишлаб ташкил этилган "Назм ва наво" мусиқали-маърифий тадбир халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг улуғ бобомиз ижодига бўлган меҳрини янада ошириш, тафаккур ва маънавияти, бадиий эстетик маданиятини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Бадиий академия, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган кечада давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, маданият ва санъат намояндалари, табаррук отахон ва онахонлар, иқтидорли талабалар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама соғлом, мустақил фикрлайдиган, юксак маънавиятли инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг қалби ва онгига ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини чуқур сингдиришга қаратилган ишларда Алишер Навоийнинг бебаҳо мероси катта аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Алишер Навоийнинг ибратли ҳаёти, беназир ижоди ҳар томонлама тадқиқ этилмоқда. Улуғ шоир асарлари умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари, ахборот-ресурс марказларида кенг ўрганилаётир. Шу билан бирга, шоир мероси бастакор ва хонандалар, созандалар, мусаввирлар учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқдаки, янгидан-янги қўшиқлар, кўплаб адабий-бадиий, тасвирий санъат асарлари яратилмоқда. Бу навқирон авлодни ватанпарварлик, фидойилик, меҳнатсеварлик, эл-юрт тақдири учун дахлдорлик руҳида камолга етказишда муҳим аҳамият касб этаётир.

– Ижодимизда буюк бобомиз асарларига қайта-қайта мурожаат қиламиз, – дейди Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов. – Зеро, Навоий асарларида ҳамжиҳатлик, тинчлик-осойишталик, бунёдкорлик, ватанпарварлик, камтарлик, одамийлик, ҳалоллик, вафо ва садоқат сингари инсонни маънавий камолотга бошловчи туйғулар бош мавзу сифатида тараннум этилган. Улуғ шоирнинг тарбиявий аҳамияти юксак асарлари авлодлар қалбида саодат калити бўлиб мангу яшайди.

Маърифий тадбирда Навоий бобомиз битган ўлмас асарларнинг жаҳон адабиётидаги юксак мақоми, ёшлар тарбиясидаги беқиёс аҳамияти ҳақида фикр юритилди. Алишер Навоий ғазалларидан намуналар, достонларидан парчалар, буюк шоир ғазалларига боғланган мухаммаслар ўқилди. Навоий назми билан айтиладиган мумтоз қўшиқлар ижро этилди.

– Навоийнинг ҳар бир сатрида жозиб оҳанг бор. Агар куйга солинса, унинг таъсирчанлиги, кучи, ҳарорати янада ошади. Ушбу тадбирда бунга яна бир бор амин бўлдик, – дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Нодира Дадамуҳамедова. – Бундай тадбирлар биз, ёшлар маънавиятини, эстетик дидини янада бойитиб қолмай, қалбимизда улуғ аждодларимиздан, уларнинг бебаҳо меросидан фахрланиш туйғусини кучайтиради.

Сарой фойесида буюк мутафаккир ҳаёти ва ижодига бағишланган тасвирий ва амалий санъат намуналари, Навоий асарлари ва навоийшуносликка оид китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири.

ВАТАНПАРВАР

Эртамиз эгалари бўлган ёш авлодга таълим-тарбия беришда, уларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишида мактабгача таълим муассасаларининг ўрни беқиёс десак асло муболаға бўлмайди.

Тадбирлар

БОЛАЖОНИМ — ОНА ЮРТ ҲИМОЯЧИСИ

Бугун мактабгача таълим муассасаларида жажжи ўғил-қизларни таълим стандарти талаблари асосида мактабга тайёрлаш, жисмонан соғлом бўлишлари йўлида спорт билан ошно этиш, нутқини ривожлантириш, чет тилларини ўргатиш, атроф-муҳит тўғрисида етарли билим бериш, она Ватанга меҳр-муҳаббатли, жасур ва фидойи қилиб вояга етказишга катта эътибор қаратилмоқда.

Шайхонтоҳур тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги 343-мактабгача таълим муассасасида ўтказилган «Болажоним — она Ватан ҳимоячиси» деб номланган маънавий-маърифий тадбир ҳам айнан ўғил-қизларимизнинг юртга садоқатли, ватанпарвар бўлиб вояга етишлари йўлида ташкил этилди.

Тадбирда «Обиназир» маҳалласи фаоллари, посбонлари, ота-оналар ва таълим масканининг юқори гуруҳ тарбияланувчилари иштирок этишди. Унда «Обиназир» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси А. Абдуллаев, ота-оналар қўмитаси раиси Н. Раҳимова ва 343-мактабгача таълим муассасаси мудираси М. Артиқовалар сўз олиб, давлатимиз чегаралари, мусаффо осмонимиз, осойишта ҳаётимизни туну кун зийраклик, мардлик билан қўриқлаётган Ватан посбонлари, жасур ҳимоячилари ҳақида фахру ифтихор билан гапириб, «Сизлар бўлажак аскарлар, юртимизнинг ишончли қалқонларисиз», дея болажонларни руҳлантирдилар.

Кичкинтойларнинг она Ватан мадҳи, тинчлик посбонлари ҳақидаги шеър ва қўшиқлари билан жуда қизиқарли ўтган ушбу кеча барча қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Шоира МУҲАМЕДОВА



Ватан! Бу муқаддас тушунча қадим-қадимдан бери нечоғлик улуғ сўзлар билан таърифланишини яхши биламиз. Айниқса, бу муқаддас туйғу инсоннинг қон-қонига, жон-жонига сингиб кетган бўлса, бундай одам ўз ҳаётини, ўз тақдиру аъмолини бир лаҳза бўлсин, Ватандан айро тасаввур қилолмайди. Ўз Ватанини юрагига жойлаган кишининг юраги ҳам Ватан қадар кенг бўлади, ҳаётининг мазмун-моҳиятини Ватаннинг бахт-саодати, иқболи, тинч-осойишталигида деб билади.

ЭНГ УЛУҒ ТУЙҒУ

Ватанни киндик қонимиз тўкилган муқаддас тупроқ, деб ардоқлаймиз. Бу тўғри. Уни онамизга қиёс этамиз, бу ҳам тўғри. Дунёга келган кунимиздаёқ нигоҳимиз тушган муқаддас маъво сифатида эъзозлаймиз. Мана шундай серқуёш, бебаҳо, гўзал, унумдор, бетакрор, ризқ-насибамиз мўл заминда туғилганимиздан фахрланамиз. Ҳа, дунё кенг. Мамлакатлар, миллатлар кўп. Рўйи заминда Ўзбекистон битта, ягона. Оллоҳ таоло бу юртга ўз меҳр-мурувватини, муҳаббатини дариғ тутмаган. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз бошқа жойда, бошқа маконда топилмайдиган бир улуғ тушунча бор...

Бу — Ватан! Бошқа жойдан эҳтимол бир бурда нон, бошпана, эҳтимол бойлик, шунга ўхшаш нарсаларни топмоқ мумкиндир... бироқ бошқа жой, бошқа маконда Ватанни топиб бўлмайди.

Ватан қачонки Инсон фарзандининг юрагида, ботинида шаклланса, у ҳеч қачон ўз Ватанини ҳеч нимага алмаштирмайди, Ватанни юрагида олиб юрганларгина инсонийлик камолотининг энг юксак чўққисига кўтарилади.

Хўш, биз Ватанни нега севамиз? Ватан — бизнинг олтин бешигимиз. Ватан — бахт бешиги. Бу дунёга келган кунимиздан то ҳаётимизнинг сўнгги лаҳзаларига қадар бизни мана шу муқаддас бешик ардоқлайди.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, шохлари кўкка тарвақайлаган улкан дарахтни ерга чуқур кетган илдизлари ушлаб туради. Аслида инсоннинг ҳам илдизи бўлади — бу унинг юрак ришталарига боғланган Ватан туйғусидир. Демак, инсоннинг илдизи — Ватан туйғуси! Демак, Ватан туйғуси емирилган одам рўйи заминда муаллақ қолади. Шундай экан, Ватанга хиёнат — инсоннинг энг аввало, ўзига нисбатан қилган хиёнатидир. Ватанни севмоқ иймондан экан, бу севгини асрамоқ, ҳимоя қилмоқ ҳам иймондандир. Дунёнинг гўзал, тиниқ нигоҳи, кўҳна заминнинг маданият ўчоғи бўлган юртимизни асрамоқ, унинг ҳимоясига шай туриш ҳар биримизнинг виждонимиз амри, инсонийлик бурчимиздир. Одам ўз онаси олдидаги фарзандлик бурчини, фарзандлик қарзини ҳеч нарса билан узолмагани каби, Ватан олдидаги қарзини ҳам ҳеч бир нарса билан узолмайди. Ахир, инсон ўз онаси қадрини ҳам бирор тушунча билан алмаштириши мумкинми? Йўқ! Ватан эъзози ҳам ҳеч нарса билан алмашилмайди.

Ватанни ҳимоя қилмоқ миллатни, унинг келажаги, бахт-иқболини, халқнинг ўзлигини ҳимоя қилмоқ, ўз уйимизни муҳофаза қилмоқ дегани. Агар Ватан ҳимояси деган даъват тўлқин урмаса, бизнинг ғуруримиз, ор-номусимиз, шаънимиз дарз кетган бўлмайдими? Демак, Ватан севгиси бирлаштирган халқ чин маънодаги халққа айланади. Бундай халқни ҳеч бир тўфон, ҳеч бир бўрон, ҳеч бир тазйиқ, ҳеч бир ёвуз куч йиқолмайди, ҳеч қанақа мафкуравий хуружлар енголмайди. Ўз Ватанини жон-жонидан севган халқларгина дунё саҳнида ўрнида мустаҳкам туради.

Ҳар бир инсон ўз халқи, урф-одатлари, бой маънавий мероси, анъаналарига иймон-эътиқод билан ёндашса, унинг эртанги порлоқ келажагига юксак ишонч билан қараса, чин маънода Ватан ҳимоячиси бўлаолади. Ватанни шу заминга чексиз меҳр-муҳаббат қўйган, иймон-эътиқоди мустаҳкам кишилар ҳимоя қила олади. Ватанни ҳимоя қилиш эвазига биз ўз келажагимиз, миллатимиз шаъни, эртанги кунимизни ҳимоя қилган бўламиз. Бундан улуғроқ масъулият, бундан улуғроқ бурч бормикин?

Аброр ЛАТИПОВ,
Тошкент автомобиль-йўллар институти Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

Юртимиз тинчлиги, истиқлолимиз барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини асрашга бел боғлаган Ватан посбонлари борки, олмос қалқон янглиғ ёз чилласию қиш қаҳратонида ўз бурчларини бирдек содиқлик ила адо этадилар. Уларни мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида, чўлу қирларида ўз касбидан мамнун қиёфада учратишингиз мумкин.

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Юзлари офтобда қизарган, алпомишкелбат баҳодир ўғлонлар Қорақалпоғистон кенгликларида Ватан тинчлигини ҳимоя этаётган мустақиллик тенгдошлари. Улар турли вилоятларда туғилиб ўсган бўлса-да, эзгу мақсад йўлида бирлашган мардлардир. Дарҳақиқат, бугун 23 ёшни қаршилаган мустақиллик тенгдошлари – ўз кучига ишонган, ақлу заковатига таянган, шерюрак, ёвқур Ватан посбонлари.

КИФТИМДА АСРАЙМАН, ВАТАН ШАЪНИНИ

– Дадаси, ўғлингиз имтиҳонлардан ўта олармикин-а? Киролмаса, кўнгли чўкадими, деган хавотирда тонг саҳардан уйқум қочиб кетди, – дея ишком тагидаги сўрига нонушта тайёрлаётган Ҳайитгул опа эрининг қўлига сочиқ тутқазар экан, ундан дилига таскин берувчи жавоб кутди.

– Тинимсиз ўқиди, тайёрланди, омади келса, ажабмас. Кейин, соғлом, дуркун бўлгани учун жисмоний тайёргарлик синовини аъло баҳоларга топширди. Хавотир олгунча дуо қилсанг-чи, онаси. Ризқи қўшилган бўлса, албатта, ўтади.

– Шундоғам эртаю кеч дуодаман. Ўйлаган ниятига етиб, юзи ёруғ бўлсин, илоҳим.

– Нима бўлганда ҳам, барча йигитлар ҳавас қиладиган ўқишга ҳужжат топширди. Бунга жазм этишнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун ўғлимиздан кўнглим тўқ. Насиб қилса, албатта, ўқишга киради, ўзи орзу қилганидек офицер бўлади ҳали, – дея юракдан самимий фикр билдирди, Акбар ака.

Умр йўлдошининг бу сўзларидан оила бекасининг юзи ёришди. Яхши хабар эшик қоқаётгандек, кўча дарвозаси томон мамнун қиёфада қараб қўйди. Кўп ўтмай хонадон бошлиғининг эзгу нияти бўй кўрсатди – Аслиддинга Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг курсанти бўлиш насиб этди.

Мана, шунга ҳам беш йил бўлаяпти. Лейтенант Аслиддин Расулов айни дамда офицерлар сафида. Бир йилдирки, ҳарбий билим юртида эгаллаган билим ва кўникмаларини хизматда қўллаб келаяпти. Ўз навбатида, тажрибали устоз офицерлардан соҳа сирларини қунт ила ўзлаштирмоқда.

– Лейтенант Расулов каби ёш офицерлар ҳарбий соҳанинг келажагини белгиловчи умидли кадрлардир, – дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Меҳриддин Қўчқоров. – Аслиддин каби хизматга ёниб кириб келган, бурчини иштиёқ ила бошлаган офицерлар борки, соҳада албатта ўрин топади. Бунинг учун тинимсиз изланиш ва интилишлари, малакасини ошириб, эгаллаган тажрибасини мустаҳкамлаб боришлари зарур. Лейтенант Расуловга бу борада ишонч билдириб, келажакда ўз соҳасининг мутахассислари сафидан жой олишига ишонаман.

Истиқлол тенгдошлари ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас. Взвод командирининг ўринбосари вазифасида хизмат қилиб келаётган Аслиддиннинг бир йил давомида эришган ютуқлари эътиборга сазовор.

– Хизматда қандай муваффақиятга эришган бўлсам, аввало, устозларимнинг катта улуши бор, – дейди ёш офицер фаолияти ҳақида сўз юритар экан. – Билим юртида куюнчак, талабчан инсонлар сабаб, ўзим меҳр қўйган соҳа сирларини ўзлаштирган бўлсам, ўқиб-ўрганганларимни хизмат давомида қўллаб, тажрибамни ошириб келаяпман. Яқинда округ миқёсида ўтказилган жанговар тайёргарлик машғулотларида қатнашиб, касбий маҳоратимни ошириб қайтдим. Бунинг учун подполковниклар Акмал Ортиқов, Алишер Куллиев, катта лейтенант Юсуф Маматқулов каби жонкуяр устоз командирлардан миннатдорман.

Аслиддиннинг сафдош дўстлари лейтенантлар: Акмалбек Ҳакимов, Шамил Шайбаков, Алишер Эргашов-лар ҳам у ҳақда самимий фикрларини билдириб, унинг етакчилигидаги взвод жанговар тайёргарлик бўйича биринчи ўринни эгаллаб келаётганини таъкидлаб ўтишди. Шунингдек, ёш офицер китоб мутолаасига, қўшиқ куйлашга қизиқаркан.

Умид қиламизки, Аслиддин юрт ишончига сазовор бўлиб, тинчлигимиз ва ҳурлигимиз ҳимоясида ҳамиша олдинги сафда бўлади.

ЮРТГА ШУНДАЙ ЎҒЛОНЛАР КЕРАК

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Амангелди Юсупов Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманида вояга етган. Қадди-басти келишган, тиришқоқ, фидойи бу ҳарбий хизматчини қисм шахсий таркиби жанговар тайёргарлик аълочиси, ҳарбий спортчи сифатида яхши билади.

Нукус шаҳрида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган Амангелди шартнома бўйича хизматни давом эттиришга қарор қилди. Оилада беш фарзанднинг кенжаси бўлган йигитдаги бу интилиш ота-онаси Шарифбой ака ва Улбўлсин опаларни ҳам қувонтирди. Хуллас, мустақиллик тенгдоши бўлган қаҳрамонимиз ўзига муносиб йўл танлади. Келажагини Ватан ҳимояси билан боғлашга аҳд қилди. Унинг қарори тўғри экани бугун ўз исботини топмоқда.

– Касбини севган инсон борки, ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтади, – дейди Амангелди хизмати ҳақида сўз олиб. – Бизнинг оилада ҳарбийлар бўлмаган. Лекин мен хизматга келдиму келажагим Ватан ҳимояси билан боғлиқ эканини ҳис қилдим, ҳарбий хизматга ипсиз боғландим. Аниқ бир қарорга келдим: муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, командирлар ишончини қозониб, хизматни шартнома бўйича давом эттириш. Бу борада илк устозим катта лейтенант Баҳром Расуловнинг хизмати улкан. Мана шундай талабчан командирларим туфайли орзуимга эришиб, юрт ҳимоячилари сафида қад ростлаб турибман. Соҳа сир-асрорларини ўзлаштиришимда эса сержантлар Шуҳрат Бозоров, Кажимухан Каиповларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Амангелди бир қатор фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Шунингдек, жанговар тайёргарлик аълочиси ҳамда ҳарбий спортчи кўкрак нишонига эга бўлган. Имкон туғилди дегунча, спорт билан шуғулланади. Мутахассислиги бўйича китоблар ўқийди.

ПОСБОНЛИГИМ — ҒУРУРИМ МЕНИНГ

Оддий аскар Самандар Холиқовни сафдошлари «полвон» деб аташади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида улғайган Самандар туман индустриал педагогика коллежининг жисмоний тарбия ва спорт йўналишини тугатган. Унга қадар эса ўқувчилик чоғидан, тўғрироғи, олтинчи синфдан бошлаб миллий кураш билан шуғулланган.

Албатта, болаларнинг соғлом улғайишида ота-она ва оиладаги муҳитнинг катта ўрни бор. Солижон ака ва Январхон опалар ҳам оиладаги беш фарзанд – тўрт ўғил ва бир қизнинг ҳар томонлама етук бўлиб улғайишлари учун бор имкониятларини сарфлашди. Айниқса, оиладаги тўрт ўғилнинг спорт билан шуғулланишига шароит яратишди. Бу эзгу ҳаракат акалари қаторида Самандарни ҳам спортда ўрин топишида муҳим омил бўлди.

Инсон орзулари чексиз. Айниқса, ёшларнинг. Мустақиллик тенгдоши бўлган лавҳамиз қаҳрамони аскар бўлиш орзусига эришиб, хизматга келди.

– Ҳаётимда муҳрланиб қолган энг ҳаяжонли лаҳзалардан бири Ҳарбий қасамёд қабул қилган онимдир. Буни сўз билан ифодалаш қийин. Шуни ишонч ила айта оламанки, қасамёддан сўнг, ўзимга бўлган ишонч янада ортди. Хизматдан сўнг эса, Ички ишлар академиясида таҳсил олиб, юрт осойишталигини асрашдек масъулиятли ишга ўзимни бағишламоқчиман, – дейди Самандар.

Агар эътибор қилган бўлсангиз, Ватан ҳимоясида турган мана бу уч ўғлон – истиқлол тенгдошларининг эзгу нияти битта. Яъни тинчлигимиз устуворлиги, ҳурлигимиз барқарорлигини жон қадар асраш. Мақоламиз сўнгида уларнинг қалбида кечаётган туйғуларни шеър ила ифодалашга жазм этдик:

Ватан деб қад ростлар ёвқур ўғлонлар,
Ватан деб тик боқар минг бир синовга.
Жўмард посбонларга ёр бўлгай зафар,
Ватан остонаси армондир, ёвга.
Эр йигит майдонда синайди кучин,
Баҳодир алплармиз, ортга чекинмас.
Жонимиз тикканмиз шу замин учун,
Унинг ҳар зарраси азиз, муқаддас.

Зулфия ЮНУСОВА

Янги қонун кучга кирди

МУРОЖААТ ЭТИШ ҲУҚУҚИНИНГ АСОСЛАРИ

Мамлакатимизда фуқароларнинг Конституция асосида кафолатланган ваколатли органларга мурожаат этиш ҳуқуқи амалда тўла таъминланаётир. 2014 йил 4 декабрда кучга кирган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мазкур қонун мазмун-моҳияти ва амалиётда қўлланилиши билан боғлиқ масалаларга бағишланган анжуманда бу алоҳида қайд этилди.

Адлия вазирининг ўринбосари А.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат асослари мустаҳкамланиб бораётгани инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари қонунлар асосида кафолатлангани, жумладан, давлат органларига мурожаат этиш тартибининг янада такомиллаштирилгани жамиятда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга замин яратмоқда.

Янги қонун билан юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга оид ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинди. Ушбу соҳадаги қонунбузилиши учун жавобгарлик белгиланиб, давлат органларига, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш тартиби аниқлаштирилди. Қонунга кўра, жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлиб, мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрий амалга оширилади.

Қонуннинг мазмун-моҳияти барчага етказилишини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан ушбу қонун китоб шаклида чоп этилиб, унга ўзбек ва рус тилидаги ҳамда лотин алифбосидаги матнлари киритилди. Бундан ташқари, қонун нормаларининг бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунга шарҳ тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Адлия вазирлиги томонидан турли вазирлик ва идораларда мурожаатлар билан ишлаш амалиёти мунтазам ўрганиб келинмоқда. Таҳлиллар мурожаатлар билан ишлашда қонун талабларига турлича ёндашилаётганини, оқибатда айрим қонун нормаларининг бузилишига йўл қўйилаётганини кўрсатмоқда.

Тадбирда янги қонунни амалиётда тўғри қўллаш, мурожаатларни кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш, турлича ёндашувларни бартараф қилиш ва ўзаро фойдали таклифлар асосида бу борадаги муаммолар ечимини топишга эътибор қаратилди. Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, мансабдор шахсларнинг уларни кўриб чиқиш ва ҳал этишдаги масъулияти, бу жараёндаги қонунбузарлик учун жавобгарлик билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ФАОЛ БАНКЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Танловда тижорат банкларининг 2014 йилда аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш борасидаги фаолияти турли номинациялар бўйича баҳоланди. «Асака» давлат акциядорлик тижорат банки омонатларни жалб қилиш бўйича 2014 йилнинг энг яхши банки, деб топилди.

– Банкимизда юзга яқин омонат тури мавжуд бўлиб, ўтган йили ўн бешга яқин янги омонат тури жорий этилди, – дейди «Асака» давлат акциядорлик тижорат банкининг омонат операциялари бошқармаси бошлиғи Баҳодир Мирбобоев. – Бунинг самарасида жисмоний шахсларнинг ҳисобрақамларидаги маблағлар қолдиғи 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 85 миллиард сўмга кўпайди. Бу йил ҳам мижозларга кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириб, янги омонатларни ишлаб чиқишни режалаштирганмиз.

«Агробанк»нинг Самарқанд вилояти бошқармаси, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Хоразм вилояти Хонқа филиали, «Ипотека-банк»нинг Тошкент шаҳар филиали, «Микрокредитбанк»нинг «Чоштепа» мини-банки, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Сурхондарё вилоятидаги «Бойсун» мини-банки, «Трастбанк» амалиёт бошқармаси ва «Халқ банки»нинг Жиззах вилояти Зомин филиаллари асосий номинациялар бўйича ғолиб бўлди.

(ЎзА)

«Туркистон» саройида «Дийдор» театр-студиясининг «Ёдим синиқлари» спектакли намойиши бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Зулфия таваллудининг 100 йиллигига

ИБРАТЛИ ХОТИРАЛАР ТАЛҚИНИ

Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори серқирра ижоди, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан миллий адабиётимиз, маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга улкан ҳисса қўшган ардоқли шоирамизга, шу билан бирга, юртимизда аёл зотига кўрсатилган юксак эҳтиром ифодаси экани таъкидланди.

«Дийдор» театр-студияси томонидан саҳналаштирилган «Ёдим синиқлари» спектакли мустақиллик, ҳурлик ва тинчликнинг нақадар улуғ неъмат эканини шоира ҳаёти мисолида ёрқин акс эттиргани, бугунги ёшларни юртсеварлик, халқпарварлик, қатъиятлилик, мардлик каби юксак фазилатлар соҳиби бўлиб улғайтиришга ҳисса қўшиши билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Зулфия ўз ижодида тарих ва замонни ҳаққоний тасвирлаган, халқимиз ҳаётини ёрқин бўёқларда кўрсата олган. Шоиранинг нафис шеърлари, лиро-эпик достонлари, балладаларида Ватанга муҳаббат, меҳр, ифтихор барқ уриб туради. Унинг «Хотирам синиқлари» достонида бу юксак поэтик маҳорат билан ифодаланган.

– Достонда Зулфиянинг ҳаётдан олган таассуротлари, кечинмалари, севгиси, оиласи, ота-онаси, ҳурлик соғинчи акс этган, – дейди спектакль режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев. – Ушбу асар асосида саҳналаштирилган спектаклда ҳам ана шу жиҳатларга эътибор қаратилди. Зеро, мунис ва меҳнаткаш, ҳаётнинг ҳар қандай суронлари қаршисида ўзини йўқотмай, сабр-тоқат ва шукроналик билан яшаган шоира ҳаёти ибратга арзигулик. Ўйлайманки, саҳна асари томошабинларга маъқул бўлади.

– Спектакль нафақат шоира ҳаёти, балки халқимиз ўтмишига дахлдор. Унда акс этган Иккинчи жаҳон урушининг аянчли оқибатлари, собиқ мустабид тузум қабоҳатлари, сохта ваъдалар, алдовлар ичра яшаган халқ дарди, акаси ва турмуш ўртоғидан бевақт жудо бўлган аёл изтироблари – шоиранинг синиқ хотираларидир, – дейди Тошкент давлат стоматология институти талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати Шоҳида Зоҳидова. – Бу хотиралар ёшларни бугунги тинчликнинг қадрига етишга, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, яратилган шароитлардан самарали фойдаланиб, Ватанга муносиб фарзанд бўлишга ундайди.

«Ёдим синиқлари» спектакли юртимизнинг барча ҳудудларида намойиш этилиши режалаштирилган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

Тадбирлар

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Шеъриятнинг икки дарғаси» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими, туман хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 532 йиллигига бағишлаб ташкил этилган тадбирда туманда жойлашган таълим муассасалари ўқитувчи ва ўқувчилари қатнашди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, халқаро антик дунё илмий академиясининг академиги Норқул Бекназаровнинг «Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодларида илм-тафаккурнинг улуғланиши, инсон талқини» ва ҳуқуқшунос, фалсафа фанлари доктори Жамила Шермуҳамедованинг «Алишер Навоийнинг фалсафий ва сиёсий қарашлари» мавзуларидаги маърузалари тингланди.

— Бундай тадбирлар замирида энг аввало ёшларимиз онгида Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантириш, Навоий ва Бобур каби буюк аждодларимиз тимсолида комилликка бўлган интилишларини юксалтириш ғоялари ётади, — дейди Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлимининг бош мутахассиси Муаттар Эшбадалова. — Ёшларнинг буюк бобокалонларимиз ижодига бўлган меҳр-муҳаббатларини янада ошириш асосий мақсадларимиздан биридир. Бу каби тадбирлар туманимиздаги таълим муассасалари, маҳаллаларда ҳам ўтказилмоқда. Ушбу илмий анжуманнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилишининг асосий сабаби ёшларимизнинг билим манбаи ҳисобланмиш китобларга бўлган қизиқишларини бунданда кучайтиришдан иборат.

Анжуманда ўқитувчи ҳамда ўқувчи-ёшлар буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва ижоди билан янада яқиндан танишдилар.

— Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодларига бағишлаб ўтказилган учрашувдан биз, ёшлар улкан маънавий озиқ олдик, — дейди Тошкент туризм касб-ҳунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси Шаҳноза Ибрагимова. — Уларнинг ҳар бир асари билимларимизни янада бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз. Комилликка элтувчи йўлнинг китоб эканлигини унутмаслик муҳим.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори ўринбосари Умида Тешабоева йиғилганларга миллий кутубхонанинг кечаси ва бугуни, бу ерда яратилган шарт-шароитлар, веб-кутубхонадан фойдаланиш усуллари ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтди.

Юнусобод туманидаги касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейлар ўқувчилари томонидан шеъриятнинг икки дарғаси ижодига бағишланган бадиий чиқишлари барчага манзур бўлди.

Тадбир сўнгида кутубхона бўйлаб саёҳат уюштирилди.

АЖДОДЛАР МЕРОСИ УЛУҒЛАНМОҚДА

Тошкент маданият коллежида «Мир Алишер Навоий хотирасини ёд этиб!» деб номланган тадбир ўтказилди.

«Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирни ўтказишдан мақсад талаба-ёшлар ўртасида аждодларимиз каломини доим ёдида тутиш, уларнинг ҳикматларидан баҳраманд бўлиш, шу орқали улар қалбига она Ватанга бўлган муҳаббатни чуқурроқ сингдириш ҳамда ёшларнинг маънавий, сиёсий онгини янада ривожлантиришдан иборат.

Тадбирда оилавий «Ҳавас» гуруҳи ҳамда коллежнинг ўқувчи-ёшлари қатнашди. «Ҳавас» гуруҳи аъзолари ғазал мулкининг султони бўлмиш Алишер Навоий ижодини ўрганиш нақадар муҳимлигини, баркамолликка эришишда муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлаб ўтишди. Санъат, мусиқа, ижод машаққатлари билан ўртоқлашишди.

Коллеж ўқувчилари томонидан Алишер Навоий ижодига бағишланган саҳна кўринишлари ижро этилди, ғазаллар ўқилди.

Зарина РУСТАМОВА

ҒОЛИБ ЎҚУВЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Юртимиз мустақилликка эришгач ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ижодига бўлган эътибор янада кучайди. Хусусан, Ўзбекистон Миллий боғида у зот шарафига улкан ва бетакрор ҳайкалнинг ўрнатилиши, шоирни улуғлашга қаратилган бошқа ишларга шахсан Юртбошимизнинг бош-қош бўлишлари ва талаба-ёшлар учун Навоий номидаги давлат стипендиясининг жорий этилиши бунга яққол мисолдир.

Алишер Навоий – дунё миқёсидаги шахс, ўзбек халқининг буюк шоири ва туғма истеъдод эгаси. Унинг ҳаёт йўли ҳар биримиз учун ибрат бўлса, ижод бўстонининг ҳар зарраси катта сабоқ, ҳаёт қўлланмаси ҳам ҳисобланади.

Ҳар йили 9 февраль — Алишер Навоий туғилган куни нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда кенг нишонланади. Куни кеча 181-умумтаълим мактабида ҳам шоир таваллудининг 574 йиллигига бағишланган тадбир ташкил этилди.

Мактабимизнинг юқори синф ўқувчилари Навоийнинг бир-биридан гўзал ғазалларини айтиб беришди. Навоийнинг ёшлиги ва унинг ҳаёт йўли акс эттирилган саҳна кўринишлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Ижро этилган куй-қўшиқлар тадбирга алоҳида файз бағишлади.

Тадбир сўнгида мактаб директори Моҳидил Бегматова Навоий ижодига бағишлаб ёзилган иншолар танловида ғолиб бўлган ўқувчиларни фахрий ёрлиқлар билан тақдирлади.

Буюк шоир ижоди чексиз уммон, унинг тубига тушганингиз сайин дур-у жавоҳирлар топа борасиз. Айниқса Навоийнинг комил инсон тарбияси масаласидаги дунёқарашлари ғоят катта аҳамиятга эга.

Шохсанам САЙДУЛЛАЕВА,
Чилонзор туманидаги
181-мактаб ўқувчиси

ЎЗБЕКИСТОН «SATTE-2015» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИДА

Ҳиндистон пойтахтида жойлашган энг йирик кўргазмалар маркази — «Прагати майдан» мажмуасида «SATTE-2015» халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон ва Ҳиндистонда фаолият кўрсатадиган бир неча сайёҳлик компаниялари ва қатор меҳмонхоналар томонидан намойиш этилди.

Ҳар доим бўлгани каби Ўзбекистоннинг географик жойлашуви ва ўзига хос иқлими, бой тарихий ва маданий мероси, ўзбек халқ амалий санъати, миллий пазандачилиги, мамлакатимиз туризм инфратузилмасининг қулайликлари, шинам ва замонавий меҳмонхоналар ҳамда сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифати билан боғлиқ маълумотлар кўргазма қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Ушбу халқаро анжуман чоғи «Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбири юртимизга сайёҳларни жалб қилиш борасида ўзбекистонлик шериклари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган ҳинд компанияларининг вакиллари билан суҳбатда бўлди.

— Сўнгги беш йил ичида Ҳиндистоннинг сайёҳлик бозорида Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистоннинг бу борадаги имкониятларини тарғиб этувчи компания ва туроператорлар сони кескин ортганини яққол кўриш мумкин, - деди **«D.Paul's Travel & Tours Ltd.» компанияси директори Гурчаран Сингх**. - Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ҳинд сайёҳлари учун энг қизиқарли, қулай, арзон ва ишончли туризм йўналишларидан бири саналади.

«Dook Travels Pvt. Ltd.» компанияси менежери Демеш Шарманинг фикр билдиришича, сўнгги йиллар мобайнида мамлакатимизда сайёҳлик инфратузилмасининг жадал суратлар билан ривожлангани Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга чиқаётган ҳиндистонликлар сони тобора ортиб бораётганининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

— Мамлакатингиз сайёҳлик бозорида миллий ва хорижий компаниялар учун шароитлар тобора яхшиланаётгани, яъни гид-таржимонлик, меҳмонхона ва транспорт хизматларини кўрсатишнинг сифати ҳам йилдан йилга юксалиб бораётгани катта эътиборга моликдир, - деди у.

Алоҳида қайд этиш жоизки, уч кун давом этган «SATTE-2015» сайёҳлик саноати кўргазмасида дунёнинг **43 та** мамлакатидан бир неча юзлаб туризм компаниялари ва меҳмонлар иштирок этишди. Ушбу халқаро тадбирнинг навбатдаги босқичи шу йилнинг 18-19 август кунлари Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида ўз ишини давом эттиради.

«Жаҳон» АА,
Деҳли



ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИ ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида талабалар иштирокида ёшлар орасида гиёҳванд воситаларининг тарқалишига қарши курашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташаббуси ва бошқа тегишли идора ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда февраль ойида «Ёшлар орасида гиёҳванд воситаларининг тарқалишига қарши кураш ойлиги» ўтказилади. Мазкур ойликка республикамизнинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари қамраб олинади. Талабалар билан учрашувда уларга гиёҳвандликнинг аянчли оқибатлари хусусида тушунтириш берилади.

Жамият учун зарарли иллат ҳисобланган гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий марказининг бўлим бошлиғи Ш.Ғуломов, Тошкент шаҳар ИИББ жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармасининг наркотрафик ва наркотик моддаларининг ғайриқонуний айланишига қарши курашиш бўлими бошлиғи ўринбосари, подполковник Ш.Отамуродов, Тошкент шаҳар наркология диспансери наркологи Г.Абдуқаҳҳорова ва бошқалар мамлакатимизда гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, мазкур иллат туфайли инсонлар кўрган талофатлар, Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигининг қадрига етиш, ўсиб келаётган ёш авлодни бу каби жирканч иллатдан асраб-авайлаш муҳимлигини таъкидлаб ўтишди.

— Тошкент шаҳрининг барча ўрта махсус ва олий ўқув юртларида манфаатдор идора ва ташкилотлар вакиллари билан талабаларнинг учрашувлари ташкил этилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлинмаси бошлиғи, подполковник Тўлаган Абдуллаев. — Пойтахтимизда жойлашган 120 та коллеж ва лицейлар, шунингдек, 27 та олий таълим муассасаларига ички ишлар идораларининг масъул ходимлари бириктирилиб, талаба-ёшлар билан ўтказилаётган учрашувларда ҳуқуқий билимлари оширилмоқда, асосий эътибор улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг содир этилиши, гиёҳванд моддалар истеъмол қилинишининг олдини олишга қаратилмоқда.

Тадбир давомида мутахассислар томонидан «Ёшлар орасида гиёҳванд воситаларининг тарқалишига қарши кураш йўллари», «Наркомания ва унга қарши кураш чоралари» мавзуларида маърузалар тингланди.

Гиёҳвандлик, тамаки ва алкоголь моддалари гирдобига тушган инсонларнинг организмидаги салбий ўзгаришлар, соғлиққа, наслга, онг ва тафаккурига таъсирининг аниқ мисоллар билан тушунтирилиши ёшларнинг бу борадаги қарашларининг шаклланишига хизмат қилади.

— Ўтказилган тадбир биз ёшлар учун катта аҳамиятга эга, —дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон Миллий университети талабаси Юлдуз Зоирова. — Зеро, гиёҳвандлик бугун нафақат бир миллат доирасида, балки жаҳон миқёсида хавфли таҳдид солаётган бир пайтда бу каби тадбирларнинг айнан ёшлар орасида ўтказилиши бизни тўғри хулосалар чиқаришга ундайди. Ҳар бир босаётган қадамимиз, қилаётган ишимизни ўйлаш муҳимлигини яна бир карра англатади. Ички ишлар ходимлари томонидан гиёҳвандликнинг аянчли оқибатлари ҳақидаги маълумотлари бу иллатнинг нақадар салбий томонлари кўплигини, охир-оқибат тубанликка олиб боришини аниқ мисоллар орқали кўрдик. Тенгдошларимиз орасида бу иллатнинг авж олиши бизни яна бир карра атрофдагилар ва ўзимизга нисбатан огоҳ, ҳушёр бўлишга чорлайди.

Давра суҳбатида гиёҳвандликнинг аянчли оқибатлари акс эттирилган «Адашганлар қисмати» номли фильмнинг намойиш этилиши ўз навбатида ёшларни аср вабосининг салбий оқибатларини чуқур англашларида муҳим омил бўлади. Тадбир сўнгида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислар томонидан жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

Анжуманлар

ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР САМАРА БЕРАДИ

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институтида ўрта мактабларнинг чет тиллари ўқитувчилари иштирокида бир ҳафталик семинар ташкил этилди.

Маълумки, ёшларга чет тилларини, хусусан инглиз тилини ўргатишда педагоглар асосан инглиз тили назариётини ўзлаштиришига эътибор қаратишар эди. Семинар иштирокчилари ёшларга инглиз тилини фақат назарий жиҳатдан ўргатишнинг ўзи нотўғри эканлигини таъкидлаб, замонавий педагогик воситалардан, интерфаол усуллардан фойдаланиб дарс ўтиш самарали бўлишини эътироф этишди.

Шунингдек, анжуманда инглиз тили ўқитувчилари малакасини ошириш мақсадида энг сўнгги ўқув қўлланмалари, дарсликлар ҳам таништириб ўтилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Мутахассис маслаҳати

ГЕЛЬМИНТОЗДАН САҚЛАНИШ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

Гельминтозлар жаҳон бўйлаб кенг тарқалган. Одам гельминтларининг 260, қушлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар гельминтларининг ҳам кўпгина турлари маълум. Одам ҳамда ҳайвон тўқималари ва органлари ҳисобига яшовчи чувалчанглар гельминт деб аталади. Улар қўзғатадиган касалликлар – гельминтозлар дейилади.

Республикамиз ҳудудларида кўпинча энтеробиоз, гименолепидоз, аскаридоз, трихоцефалёз, тениаринхоз, эхинококкоз каби одам гельминтозлари учрайди.

Гельминтоз касалликларининг олдини олишда аҳоли фаол иштирок этиши лозим. Бу борадаги чоралар содда ва оммабоп. Яшаш жойлари тозалиги, керакли даражада санитария ҳолатининг таъминланганлиги, аҳолининг гельминтозлар бўйича саводхонлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Гельминтозлар профилактикасида шахсий гигиенага риоя қилиш муҳимдир. Тирноқларни калта қилиб олиш зарур. Овқатланишдан олдин, ҳожатхонага боргандан кейин, тупроқ билан ишлагандан сўнг қўлни совун билан астойдил ювиш шарт. Полизда, боғда ишлаш вақтида ҳар хил нарсаларни оғизга солишдан сақланиш керак.

Уй ҳамда мактабгача таълим муассасасида болаларни парвариш қилишда ишлатиладиган буюм ва ўйинчоқларнинг тоза сақланишига доимо эътибор қилиш зарур. Болалар туваги, стуллар, ўйинчоқлар, ҳожатхона эшиги ва поли ҳар куни зарарсизлантирувчи моддалар суюқлиги ёки қайноқ сув билан ювилиши керак. Хоналарни тозалаш, ҳовлини сув сепиб супуриб туриш зарур, чунки гельминт тухумлари чанг билан бирга оғиз ва нафас олиш йўлларига тушиши мумкин.

Очиқ ҳавзалар сувини фақат қайнатиб ичиш зарур. Кўпинча мева ва сабзавотлар тупроқ билан ифлосланади, шунинг учун истеъмол қилишдан олдин уларни тоза сувда ювиб, кейин устидан қайноқ сув қуйилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Тениаринхоздан сақланиш учун ҳар доим фақат яхши пиширилган ва қовурилган гўштни истеъмол қилиш керак. Молхона, ем-хашак турадиган, суғориладиган жойлар озода тутилиб, чиқиндилар билан ифлосланишига йўл қўймаслик лозим. Ферма ходимлари ҳар йили лаборатория текширувларидан ўтиб туриши, касаллик аниқланса, даволаниши шарт. Сўйилган мол гўшти финнозга текширилиши зарур. Финнозли гўшт зарарсизлантирилиши ёки ёқилиши керак.

Эхинококкоз профилактикасида умумий шахсий гигиена қоидаларидан ташқари, итларга эҳтиёткор бўлиш зарур. Болаларнинг ит билан ўйнаши ёки ёнида ухлаши, озиқ-овқатга яқинлашишига йўл қўймаслик, шунингдек ҳар қандай мулоқотдан кейин қўлни совун билан ювиш керак. Зотли, хизматдаги итларни эхинококкоздан мунтазам равишда профилактик даволашдан ўтказиб туриш тавсия этилади. Итларга эхинококк пуфакчаси билан зарарланган мол органларини едириш қатъиян ман этилади. Ҳамма эхинококк билан зарарланган органлар ёқиб ташланади.

Гельминтозларга қарши курашда энг зарурий чора – бу беморларни эрта, ўз вақтида аниқлаш ва уларни даволашдан иборат. Шунинг учун ўзида гельминтоз касаллиги бор деб шубҳа қилган киши шифокорга мурожаат этиши керак. Аниқ ташхисни фақат лаборатория текширувидан ўтгандан кейин қўйиш мумкин. Ҳозирги кунда гельминтозларга қарши сифатли дори-дармонлар бор. Эхинококкозни даволашда энг самарали усул жарроҳлик йўли билан эхинококк пуфагини олиб ташлашдир.

Бемор қачонки шифокорга ўз вақтида мурожаат қилиб даволанса, гельминтоз асоратларининг олдини олиш имкониятига эга бўлади.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар
саломатлик ва тиббий
статистика институти
директор ўринбосари



Кўргазмалар

ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Ўзбекистон Миллий банки томонидан рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик асарларининг кўргазмаси ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси коллекциясига янги харид қилинган ҳамда рассомлар томонидан ҳадя этилган асарлар намойиш этилди.

— Мазкур кўргазманинг асосий мақсади томошабинни рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик йўналишларида ижод қилувчи Ўзбекистоннинг етакчи замонавий ижодкорлари билан таништиришдан иборат, — дейди Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясининг кўргазмалар бўлимининг мутахассиси Саодат Рўзиева.

Кўргазмадан Азамат Хотамов, Хуршид Зиёхонов, Бобур Исмоилов, Бобур Муҳаммедов, Пётр Анненков каби кўзга кўринган ижодкорларнинг ҳамда Диёр Розиқов, Нуриддин Расулов, Татьяна Фадеева, Нигора Шарофходжаева каби ёш ижодкорларнинг асарлари ўрин олган.

Кўргазма доирасида ўзининг 27 та санъат асарларини галерея тўплами учун ҳадя қилган ижодкор А. Хотамовга миннатдорчилик билдирилди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА
Алексей Попов олган сурат

Спорт янгиликлари

ВЕЛОСПОРТ. Таиландда давом этаётган Осиё чемпионатида ҳамюртимиз Тимур Гумеров олтин медаль соҳиби бўлди.

Иқтидорли велоспортчимиз трек йўналишининг кўпкураш баҳсларида рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади ва қитъа чемпионлиги билан бирга 2016 йили Бразилияда ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмаси учун муҳим рейтинг очколарини қўлга киритди.

Ёшлар ўртасидаги мусобақада қатнашган яна бир ҳамюртимиз Дилмурод Сиддиқов қитъа чемпионатининг бронза медали билан тақдирланди.

Чемпионат 14 февралга қадар давом этади.

* * *

ШАХМАТ. Англиянинг Бирмингем шаҳрида ўтказилган «1st 4NCL Congress Open» турнири ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Жаҳонгир Воҳидов ғалабаси билан якунланди.

Швейцарча тизимда беш турдан иборат турнирда ҳамюртимиз Жеми Хортон, Зивил Саракускин, Тамас Фодор ва Жеймс Жэксонни мағлубиятга учратиб, Люис Мартин билан дуранг ўйнади ва 4,5 очко билан биринчи ўринни эгаллади.

* * *

МИНИ-ФУТБОЛ. Латвиянинг Елгава шаҳрида Ўзбекистон ва Латвия терма жамоалари ўртасида икки ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Ҳар икки ўйинда мамлакатимиз мини-футболчилари ғалаба қозонди.

Дастлабки ўйинда терма жамоамиз аъзолари рақибларини 4:2 ҳисобида мағлуб этди. Латвияликлар дарвозасига Даврон Чориев иккита, Константин Свиридов ва Фарҳод Абдумавлонов биттадан тўп киритди.

Иккинчи учрашув ҳам Баҳодир Аҳмедов бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси учун омадли бўлди. Артур Юнусов, Даврон Чориев ва Тимур Садиров киритган голлар терма жамоамизнинг 3:2 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

МАСЪУЛИЯТЛИ МУСОБАҚАЛАР ОЛДИДАН

Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Польшадаги ўқув-машғулот йиғини доирасида ўтказилган халқаро мусобақада муваффақиятли иштирок этди.

Жорий йилги спорт мавсуми енгил атлетикачиларимиз учун ўта масъулиятлидир. Чунки атлетларимиз 2016 йили Бразилияда бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи қатор нуфузли мусобақаларда иштирок этади. Мавсумга пухта тайёргарлик кўраётган спортчиларимиз хорижий давлатларда ташкил этилаётган ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этиб, тажриба ва маҳоратини оширмоқда.

Польшада ташкил этилган халқаро турнирнинг узунликка сакраш баҳсларида 7,17 метр натижа қайд этган атлетимиз Азиз Омонов олтин медални қўлга киритган бўлса, Руслан Курбонов 7,15 метр натижа билан иккинчи ўринни эгаллади. Хотин-қизлар ўртасида кечган баҳсда Анастасия Журавлёва 6,11 метрга сакраб, кумуш медаль билан тақдирланди.

Пойтахтимизда гандбол бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

АНДИЖОНЛИК ЁШЛАР – СОВРИНДОР

Ўзбекистон гандбол федерацияси томонидан навқирон авлод ўртасида гандболни янада ривожлантириш, иқтидорли спортчиларни кашф этиш ҳамда жорий йил Хоразмда бўладиган "Умид ниҳоллари – 2015" спорт ўйинларига тайёргарлик кўриш мақсадида ташкил этилган мусобақада мамлакатимизнинг барча ҳудудидан ёш иқтидорли спортчилар ғолиблик учун баҳслашди.

Чемпионат финалида андижонлик гандболчилар Тошкент шаҳри жамоасини 26:24 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бош совринни қўлга киритди.

Учинчи ўрин учун баҳс Фарғона ва Бухоро вилоятлари жамоалари ўртасида кечди. Унда фарғоналик ёшлар 30:29 ҳисобида ғалаба қозонди.

(ЎзА)

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ФОЛЬКЛОР САНЪАТИ ДУРДОНАЛАРИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИШДИ

Куни кеча Тошкент маданият коллежида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти Гулшод Отабоева раҳбарлигидаги «Гулшод» ансамблининг «Кексаларни эъзозлаш йили»га бағишланган «Ватан онадир» деб номланган концерт дастури бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент маданият коллежининг «Фольклор санъати» кафедрасининг ўқитувчи ва ўқувчилари томошабинларга ўз ижро маҳоратларини намойиш қилдилар. Дастур фольклор санъати йўналиши бўйича тайёрланган бўлиб, унда республикамиздаги барча вилоятларнинг маҳаллий услубларидан намуналар тақдим этилди. Хоразм, Фарғона, Қашқадарё каби вилоятларнинг фольклор санъатининг нодир намуналари ҳисобланган ашула ва рақслари тадбир иштирокчилари томонидан маромига етказиб ижро этилди. Айниқса, Гулшод Отабоева раҳбарлигидаги «Гулшод» ансамбли халқимизнинг севимли фольклор санъати йўналишида «Дугоналар», «Қилпиллама» каби қўшиқларни ижро этиб, томошабинларга кўтаринки кайфият бағишлади. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, ушбу ансамбль юртимиз бўйлаб ўтказилаётган вилоят, шаҳар тадбирларида фаол иштирок этишмоқда. Шу жумладан, мазкур жамоа республикамиз ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида уюштирилаётган фестиваль ва кўрик-танловларда фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Тадбир сўнгида Ўзбекистон маданият ва санъати институти «Фольклор санъати» кафедраси мудири, профессор Ўразали Тошматов илиқ фикрларини билдириб, тадбир иштирокчиларига кейинги танловларда ҳам улкан муваффақиятлар тилади.

Шу каби тадбирлар Тошкент маданият коллежида кўплаб ўтказиб келинмоқда. Бундай тадбирлардан кўзланган асосий мақсад фольклор санъати дурдоналарини ёшларимиз онгига ва руҳига сингдиришдир. Буларнинг барчаси келажак авлоднинг ҳам руҳан, ҳам маънан камол топишида ўзига хос восита бўлиб хизмат қилади, десак муболаға бўлмайди.

Наврўзбек СОБИРОВ,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси Шарқ мусиқаси факультети «Анъанавий ижрочилик» бўлимининг IV босқич талабаси

Таълим

ҒОЛИБ ЖАМОАЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкент Давлат юридик университети талабалари ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйинларининг университет чемпионати ўтказилди.

«Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман Кенгаши ҳамда «Камолот» ЁИҲ Тошкент Давлат юридик университети бошланғич ташкилоти томонидан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда таълим даргоҳининг 168 нафар талабаси 28 та жамоага бўлиниб, ўзаро беллашди.

Қизғин тарзда ўтган ўйинда ғолиб ва совриндор жамоалар аниқланди. Шунингдек, ўйин давомида фаол иштирок этган талабалар орасидан номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, тақдирланди.

Бу каби интеллектуал ўйинлар талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ўзаро дўстлашиш имконини беради.

Замира РАҲМОНОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika mulk markazi» АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога тақроран Ўзбекистон Бадиий кўргазмалар дирекциясининг 26.01.2014 йилдаги 9-сонли буюртма хатига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 10-уйда сақланаётган "ГАЗ-33023 СПГ" Газель русумли, давлат рақами 01/290ВАА бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 15 384 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 26 февраль куни соат 12:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 24 февраль куни соат 18:00.

Автотранспорт воситасининг 26 февралдаги савдоси бўлиб ўтмаганда, такрорий савдолар 2015 йил 4, 10, 16, 23 март кунлари соат 12:00да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 4 мартдаги савдо учун 2 март куни соат 18:00; 10 мартдаги савдо учун 6 март куни соат 18:00; 16 мартдаги савдо учун 13 март соат 18:00; 23 мартдаги савдо учун 20 март соат 18:00да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" ЁАЖнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел.: 228-79-52.

Гувоҳнома № 001580

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Диққат! Диққат! Диққат!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Гулсанам кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган бино қисми.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:

умумий майдони – 396 кв.м.

Бошланғич нархи – 358 903 568,56 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс: (0-371) 228-84-48. веб-сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 13 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1 "А"-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 27 март, 10, 24 апрель, 8, 22 май, 5, 19 июнь, 3, 17, 31 июль, 14 август кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1 "А"-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **11 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10 даража илиқ, кундузи — 15-17 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **11 февралда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

(Газетанинг навбатдаги сони 12 февралда чиқади).

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 255

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12863 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ